



ТАРАҚҚИЁТ, РЕНЕССАНС БУНЁДКОРИ

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллуд санасининг 685 йиллиги бу йил янада кўтаринки руҳда, байрамона тарзда нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги Амир Темур хибони 9 апрель куни эрта тондан ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди.

Қуролли Кучлар академиясининг ҳарбий оркестри ижросидаги куйлар тадбирга янада

тантанавор руҳ бағишлади.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари бўлими, Фанлар академияси, Темирийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан

ташkil этилган конференция «Соҳибқирон Амир Темур – темирийлар ренессанси бунёдкори» мавзусига бағишланди.

Шу куни «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темирийлар даври тарихига оид нашр этилган китоблар», «Темирийлар тарихи давлат музейи нумизматика коллекцияси» мавзусида кўргазмалар ҳам ташkil этилди.

ЎЗА

«Аёллар дафтари»:

ҲАР БИР ҚАЙДДА ЖАМИЯТ ДАРДИ БОР



Қорақалпоғистон Республикаси

Бир вақтлар донғи дунёга таралган Мўйноқ Орол денгизи чекингандан кейин қарийб ярим аср мобайнида умуман эътибордан четда қолиб кетган ўлкага айланган қолди. «Мўйноқ» деса, одамлар тасавурида гўё дунёнинг нариги чеккаси тушунилар эди. Тан олиш керак, ҳаттоки, кўп раҳбарлар Мўйноққа 2017 йилдан эътибор қаратила бошлагандан кейин боришди.

Мўйноқ мўъжизалари:

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН АФСОНАЛАР

Шахсан ўзим Қорақалпоғистонда 20 йилдан ортиқ вақтдан буюн яшаб келган бўлсам ҳам ушбу туманга илк бор 2015 йилда борган эдим. Бугун кузатишларим билан ўртоқлашсам, бундан 6 йил аввалги Мўйноқ билан ҳозирги ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Едимда: 2015 йил журна-

листлар билан туман марказидан репортаж тайёрлаш учун борган эдик. Ушунда Қўнғиротдан Мўйноққача

йўлда биронта автомашина учратмадик. Боргандан кейин қўшимча транспорт керак бўлиб қолди. Шунда,



ҳатто, ҳокимликдан ҳам автомашина топа олмаганимиз. Туманда метан у ёқда турсин, ҳаттоки, пропан ёқилги қуйиш шохобчаси ҳам йўқ экан. Тушлик пайтида овқатланадиган жой қидирдик, шаҳар марказида фақат битта кафе бўлиб, у ерда ҳам шу кунги ўқувчилар тадбир ўтказётган экан.

4



**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИНING
ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА
ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН,
ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ
ЮРИТАДИГАН**

1092 –

**ҚИСҚА
РАҚАМЛИ
«ИШОНЧ»
ТЕЛЕФОНИ –
«Call-center»га**

**меҳнат муносабатлари
бўйича ўзингизни
қизиқтирган
барча масалалар
юзасидан мурожаат
йўллашингиз
мумкин.**

**Юридик клиника
14 та ҳудудий
бирлашмада
ҳам фаолият
кўрсатмоқда.
Бу ерда барча
фуқароларга бепул
юридик хизмат
кўрсатилади.
Меҳнат муносабат-
лари, айниқса,
мажбурий меҳнат
билан боғлиқ
масалалар
Ўзбекистон
касаба уюшмалари
Федерациясининг
доимий
эътиборида!**



Ушбу суратни кўриб «бу бир дала йўли бўлса керак» деб ўйлашингиз мумкин. Афсуски, бу икки катта қишлоқни боғлаб турувчи, кунига минглаб ўқувчилар, қишлоқ аҳолиси қатнайдиган, юзлаб транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўл.

«Маърифат»га ярашмаган йўллар...

Мана, беш-олти йилдирки, Бешариқ тумани, «Маърифат» МФЙ ҳудудидаги Қораянтоқ ва Қорамулла қишлоғи аҳолиси ўйилиб кетган носоз йўл азобидан қийналиб келмоқда. Айниқса, ёгин-сочинли кунларда йўл сувга тўлиб, ҳаракатланиш қийинлашиб кетади. Утган асрнинг 70-йиллар бошида бунёд этилган бу йўлни сифатли таъмирлаш, асфальтлаш ҳақида туман ҳокимиغا беш йилдирки, мурожаат

қиламиз. Ҳатто, бундан икки ой аввал Фарғона вилояти ҳокимлигига ҳам мурожаат этдик. Улар эса ҳар доим «келаси йили дастурга киритамиз», дея ишни пайсалга солишади. Ўзи бор-йўғи 1,5-2 километрлик йўлни наҳотки, «дастурга киритиш» шунчалик қийин иш бўлса?

Эгамберди САТТОРОВ
Бешариқ тумани

2021 йил 5 апрель кунини gazeta.ru сайтида Россиянинг «Совкомбанк» хусусий универсал тижорат банки бош таҳлилчиси Михаил Васильевнинг мамлакатимиз иқтисодий юксалишига туртки бўлаётган асосий омиллар ҳақидаги «Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг янги йўлбарси» номли мақоласи эълон қилинди. Қўйида ушбу мақола таржимаси билан танишингиз мумкин.



«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ ЙЎЛБАРСИ»

«XX аср ўрталаридан бошлаб Осиё минтақасидаги бир гуруҳ мамлакатлар қисқа вақт ичида иқтисодий ва технологик тараққиётда мисли қўрилмаган ютуқларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор ҳайратда қолдирди. Холбуки, кўп вақтлар давлатлар ҳам ўз тарихида бундай кескин юксалишга эриша олмаган.

«Осиё йўлбарслари» феномени аллақачон иқтисодиёт дарслиқларига киритилган. Осиё йўлбарсларининг биринчи тўлиқни – Жанубий Корея, Сингапур, Тайван ва Гонконг 1960-1990 йиллар оралиғида энг юқори чўққига кўтарилди. Бу мамлакатлардаги жадал ўсиш 1998 йилда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг барқарорлашди.

Иккинчи тўлиқ йўлбарслари – Индонезия, Малайзия, Вьетнам ва Таиланд модернизацияни ўтган аср 90-йиллари охиридан бошлади. Айни пайтда ушбу давлатлар осийлик «тўғич» шериклари технологик занжирида тўла иштирок этмоқда, иқтисодий ривожланиш бўйича «катта йўлбарсларга яқинлашиб борапти. Бинобарин, бу давлатларда корхоналар кўп даромад олиб, аҳоли қиъанинг бошқа мамлакатларидагига қараганда яхши яшаса-да, айни пайтда иқтисодиётнинг ўсиш суръати илгаригидек юқори эмас.

Табиийки, энди учинчи тўлиқ даври келди ва Марказий Осиё вакили – Ўзбекистонни ишонч билан навбатдаги эврилик локомотиви, деб аташ мумкин. Нима сабабдан Ўзбекистонни Жануби-Шарқий Осиёдан бошланган эстафетани ўз қўлига олиб, янги йўлбарс бўла олади, дея ишонч билан айтиш мумкин?

Негаки, барча «йўлбарслар»ни ягона омил – хорижий инвестиция оқими ва инсон капитали сифатини яхшилаш фояси бириктирган. Булар айнан бугунги кунда, айниқса, сўнги йилларда Ўзбекистонга хос бўлган омиллардир.

Инсон капитали нуқтаи назаридан таъкидлаш кераки, Марказий Осиёдаги нефти бўлмаган бошқа мамлакатлар орасида Ўзбекистон энг юқори – киши бошига 1700 долларга тенг меҳнат унумдорлигига эга. Ўзбеклар бу кўрсаткич бўйича ҳатто иқтисодиёти ўзидан беш баробар катта бўлган Покистонни ҳам ортда қолдирди.

Юқори меҳнат унумдорлигини харид қилинган технология ёки хорижий ускуналарнинг ўзи таъминлаб бера олмади. Зеро, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван ва Гонконг 1960-1990 йиллар оралиғида энг юқори чўққига кўтарилди. Бу мамлакатлардаги жадал ўсиш 1998 йилда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг барқарорлашди.

Ўзбекистонда совет давридаёқ кучли ўрта таълим тизими мавжуд эди. Шу билан бирга бугунги кунда давлат янада ривожланиб, олий таълим институтлари ҳам ривожланмоқда.

Умуман, Ўзбекистон таълим учун йилга ЯИМнинг 5-6 фоизини сарфлайди, бу нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки жаҳон бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири. Масалан, АҚШда таълим учун айнан шунча маблағ сарфланади. Хориждан келадиган капитал оқими эса иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар каталогатори бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида хорижий инвестициялар оқимини фазолаштириш имкони пайдо бўлди. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёев, унинг Администрацияси ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга оид қонунлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган идоралар фаолиятини қайд этишнинг имкони йўқ.

Валюта бозори, режалаштириладиган айрим ички нархлар либераллаштирилиши, давлат корхоналари кенг қўламада хусусийлаштирилиши, замонавий пул-кредит сиёсати юритилиши – буларнинг бари ҳар йили Ўзбекистонга то-

бора кўпроқ инвестиция кириштига тайёр хорижий сармоядорлар томонидан ниҳоятда ижобий қабул қилинмоқда.

Йўлга қўйилган иқтисодий ислохотлар самарасида республика иқтисодиёти кўпроқ саноат-технологик мамлакат аломатларига эга бўлмоқда. Ўзбекистон ҳозир ҳам ЯИМ ҳажмида саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар бўйича нисбатан юқори – 28 ва 30 физ улушга эга. Бинобарин, бу ўзининг бошланishi, холос. Мамлакатда замонавий заводлар очилмоқда, ускуналар импорт қилинмоқда. Айни саъй-ҳаракатлар эрта-кечми маҳаллий экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал ўсиш суръати бир неча йилдан буюн 5 фоизни ташkil этмоқда ва бу шунчаки натижа эмас. Утган йили МДҲ мамлакатлари орасида коронавирус пандемиясига қарамай, ЯИМ ўсиши бўйича ижобий суръат қайд этган давлатлар сифатида фақат Ўзбекистон ва Тожикистон эътироф этилди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Ўзбекистон иқтисодий сакраши амалга оширишига тўққонлик қиладиган омиллар борми?

Агар эпидемиялар ёки жаҳон иқтисодий инқирози шаклидаги олдидан айтиб бўлмайдиган вазиятлар ҳисобга олмаसा, умуман олганда – йўқ. Зеро, мамлакатда иқтисодий сакраш учун ажойиб замин ҳозирланган. Ўзбекистон – ресурслар ва инсон капиталига бой, ташки нисбатан кам мамлакат. Республиканинг замонавий, илғор фирмалари ҳукумати ислохотларни давом эттирмоқда. «Йўлбарс» оқимини тизимли тарзда секинлаштирадиган ёки тўхтатадиган омиллар мавжуд эмас.

Михаил ВАСИЛЬЕВ,
«Совкомбанк» бош таҳлилчиси.
ЎЗА

**Ўзбекистон
касаба
уюшмалари
федерациясида
кун-у тун
фаолият
кўрсатадиган**

12-11

**ҚИСҚА РАҚАМЛИ
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»,
ЯЪНИ «CALL-CENTER»ГА
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ
ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДА,
ОЛИС ВА ЧЕККА
ҚИШЛОқЛАРИДА
ЯШАётган хотин-
қизлар ўз
муаммолари
бўйича исталган
вақтда мурожаат
қилишлари мумкин.**





САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Устунлар янгиланди

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 6 февралдаги сонида чоп этилган «Занжирли реакция ёхуд қўлбола симёғочлар машмашаси» сарлавҳали мақолага Самарқанд вилояти ҳокимлиги қўйидагича муносабат билдирди:

Мақолада кўтарилган масалалар Оқдарё тумани ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида Оқдарё тумани Электр тармоқлари корхонасининг 2021 йил 27 февралдаги маълумоти асосан, «Янгиравот-2» маҳалласида амалга оширилган ишлар ва қишлоқ электр устунларининг берилиши 2021 йилда шакллантирилган Манзилли дастур асосида муддатидан олдин бажарилиб, фуқароларга тушунтириш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда туманда йиллар да-



вомида иш фаолиятини ўтаб бўлган жуда кўп электр устунлари босқич-ма-босқич ҳар йили шакллантирилдиган маблағ доирасида янгилаб берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда электр устунлари ва бутловчи ускуналар республика, вилоят ёки маҳаллий бюджетдан ажратилдиган маблағлар ҳисобидан ўрнатилишини маълум қиламиз.

Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А.ШУКУРОВ



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Масала ҳал бўлган

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 6 мартда чоп этилган «Техник имконият қачон пайдо бўлади?» сарлавҳали мурожаат юзасидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси қўйидагиларни маълум қилди:



Ўрганиш натижаларига кўра, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Турди Фароғий кўчасида яшовчи фуқаро Н.Некова томонидан яшаш хонадонига телефон нуқтаси ўрнатиш бўйича 2021 йил 3 март куни ариза берилган ҳамда 2021 йил 3 мартдаги 1914677247-сонли шартномага кўра, хонадонига телефон рақами ўрнатиш.

Мазкур масала бўйича фуқаро Н.Некованинг яшаш хонадонига телефон нуқтаси ўтказиб берилгани ҳамда ушбу мурожаат бўйича эътирозий йўқлиги 2021 йил 5 март куни берилган фикрномада кўрсатилган.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Бош директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари А.ЗУФАРОВ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Кўприк бўйича тегишли топшириқ берилди

«Ishonch» газетасининг шу йил 18 февралдаги сонида чоп этилган «Эгасиз кўприк...» сарлавҳали мақолага Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан қўйидагича жавоб хати келди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18-19 январь кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари бўйича 10-сонли йиғилиш баёнининг 11-бандида таъмирлаш ишлари амалга оширилдиган ички автомобиль йўллари ва улардаги кўприклар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашида тасдиқланишини таъминлаш топшириқлари берилган.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида алоқадор бошқарма ва ташкилотлар томонидан вилоятдаги таъмирталаб ички йўл ва улардаги кўприкларни таъмирлаш бўйича дастлабки манзилли рўйхатлар шакллантирилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қумқўрғон туманидаги «Тўғон» маҳалласи ҳудудидаги кўприкни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш, қайта қуриш чораларини кўриш юзасидан вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилгани ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилдиган кўприк ва ички йўллар рўйхати Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тасдиқидан ўтгандан сўнг кўшимча ахборот берилиши маълум қилинади.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари А.ОРИПОВ



«ISHONCH»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР...

«Ishonch» газетасининг ўтган сонларида эълон қилинган турли мавзудаги танқидий мақолаларга мутасадди идоралардан жавоб келди. Қўйида уларнинг баъзилари билан танишасиз.

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

Ёдгорлик давлат муҳофазаси миллий рўйхатига киритилади

«Ishonch» газетасининг 13 мартдаги сонида эълон қилинган «Оёқ остидаги остодонлар, улар нега мозий қўриқчилари эътиборидан четда қолмоқда?» сарлавҳали танқидий мақолага Маданият вазирлиги қўйидагича муносабат билдирди:



Бўзатов туманидаги Қусхана тепалиги ва ушбу тепаликда жойлашган қабрстонлар туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан рўйхатга олинб, уларнинг ҳисобига ўтказилган. Қусхана тепалиги бугунги кунда маданий мерос объектлари давлат муҳофазаси рўйхатига олинмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикасидаги моддий-маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, жадвал-график асосида объектлар ҳолати ўрганилмоқда.

Ушбу хатлов натижасига кўра, Қусхана тепалиги ёдгорлигини давлат муҳофазаси миллий рўйхатига киритиш режалаштирилаётганини маълум қиламиз.

Маданият вазирлиги Матбуот ва ахборот хизмати



ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

Ташқи савдо статистикасини шакллантиришнинг ўз тартиби бор

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 9 мартда чоп этилган «Статистик рақамларимиз пўфлаб шишириладими?» сарлавҳали мурожаат юзасидан Давлат статистика қўмитаси қўйидаги мазмунда изоҳ берди:

Амалиётда бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан товарлар савдоси тўғрисидаги маълумотларнинг номувофиқлиги, ташқи савдо статистикасида товарларни ҳисобга олишнинг халқаро услубиятларидан четга чиқиши ва бошқа турли сабабларга кўра юзага келиши эҳтимол мавжуд. Жумладан:

- юритилдиган савдо ҳисоби тизими;
- товарлар экспорт ва импорт қийматининг баҳолаш хусусиятлари;
- ҳамкор-давлатларни аниқлаш учун қўлланиладиган мезонлар;
- товарларни ҳисобга олиш вақтидаги фарқлар;
- маҳсулотларни кодлашда ёндашувдаги фарқлар;
- мафий маълумотларни ҳисобга олишда фойдаланиладиган тамойиллар;
- товарларнинг статистик кузатув учун турли хил чегаравий (бунда иқтисодий аҳамиятга молик бирликдаги товарлар тушунилади) ёндашувларнинг мавжудлиги.

Шунингдек, товарлар экспорти ва импорти миқдор жиҳатидан тўғри расмийлаштирилгани борасидаги фарқлар.

Мисол: 2020 йилнинг январь-август ойлари якуни бўйича Ўзбекистондан Қирғизистонга ҳар хил турдаги ўсимликлар (ТНФ

ТН 0602) экспорти 33,7 млн. донани ташкил этган бўлса, Қирғизистон томон мазкур товар импортини 6,4 млн. донна тарқасида расмийлаштирган (манба: <http://stat.kg>).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, товарлар ташқи савдосидаги тафовутларни қўйидагича таснифлаш мумкин: бартараф этиладиган ва бартараф этилмайдиган сабаблар.

Тафовутларни бартараф этса бўладиган сабаблар: мавжуд маълумотларнинг қамраб олинishi; амалдаги савдо ҳисоби тизими; товарлар таснифланишини талқин қилиш ва қўллаш; товар қийматини аниқлаш; мафийлик ва тафовутларнинг бошқа манбалари. Ушбу ташкилий чораларни, шунингдек, ташқи савдо назоратини такомиллаштирилгандан сўнг, вақт ўтиши билан товарлар ташқи савдоси ўртасидаги тафовутларни камайитириш имкони бўлади.

Бартараф этилмайдиган сабаблар – товарларни экспорт ва импортига ҳисобга олиш вақтидир. Яъни, ташқи савдода тафовутлар сабаби вақт билан боғлиқ бўлади.

Маълумот учун, 2020 йил январь-август ойи якуни билан Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 563,7 млн. долларни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 12,1 млн. долларга камайган.



Шундан экспорт ҳажми 479,1 млн. АҚШ долларига (2,2 млн. долларга камайган) ва импорт ҳажми 84,6 млн. АҚШ долларига (9,9 млн. долларга камайган) етди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 97,8 % ни ташкил этиб (468,6 млн. доллар), улар асосан тўқимачилик буюмлари (36,9 %), мева ва сабзавот маҳсулотлари (23,7 %), қара металл ва ундан тайёрланган буюмлар (6,3 %), кимё маҳсулотлари ва буюмлари (6,2 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хизматлар экспорти ҳажми 10,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, асосий улуши темир йўлларда юк ташиш хизматлари (90,0 %) ҳиссасига тўғри келган.

Импорт таркибида товарлар улуши 98,7 % ни ташкил этиб (84,6 млн. АҚШ долларини), улар асосан энергия манбалари ва

нефть маҳсулотлари (31,7 %), қара металл ва ундан тайёрланган буюмлар (13,6 %), машина ва асбоб ускуналар (9,7 %) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (6,8%) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу ўринда, тахририят жамоатчилиги фикри учун очиқ майдон яратганини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, мурожаатлар бўйича Давлат статистика қўмитасига боғланиб, аниқлик киритиб олинishi ва муаммонинг жавобини ҳам бирга беришларини мақсадга мувофиқ бўларди, деб баҳолаймиз.

Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати

